

(Ÿ_{3A}).

Лекин кам маҳсулот топирилганлигини сабаблари бор. Ҳужаликлар бир килограмм junни етиштириш учун камида 35-40 сум сарфламоқда. Юқорида айтганимиздек ҳам ашёнинг килограмми 25 сумдан қабул қилинаёпти. Шундай бўлгач, ҳужаликларда junни топиришга ҳоҳиш йўқ. Вилоят ҳужаликларида 1997 йилдан қолган 70 тонна jun бор. Чўпонларнинг узларида ҳам ҳам ашё мавжуд.

Тулов интизомининг бузилиши, етишти-

ТАЪРИФИ НОМИДА МУЖАССАМ — «ЎРИНБОЙОБОД»

Аҳоли зич яшайдиган кўна қишлоқлардан анча баландда, қир ва адириклар оғушидаги бу қишлоқнинг номи — «Ўринбойобод». Бир пайтлари «одам юрса оёғи, қиш учса қаноти қуяди-ган» бу ерлар эндиликда ҳақиқий обод масканга айланган. «Ўринбойобод»даги биринчи уйини пойдевори қўйилганига ҳа демай ўн тўрт йил тўлди. Агар таъбир жоиз бўлса, «...мўйлови эндигина сабзи ура бошлаган... ўсмир ёшидаги бу қишлоқ лавҳамиз қахрамони — Ўринбой ака номи билан аталиши бежиз эмас. Шу вақтгача бу ерга 22 хонадон уй қуриб, кўчиб чиқди. Қишлоқ йилдан-йилга кенгайиб, хонадонлар сафи ортиб борапти.

Не тонки, бугун бизнинг таърифимиз ана шу қишлоқ — исми зисмига монанд «Ўринбойобод»га...

Муаззам юртимизнинг саҳий, асов дарёлари Аму ҳамада Сир, гузал Зарафшон, унинг икки зар қоқили — Қорадаре ва Оқдаре куп адиблар, хусусан, ўзбек халқининг ҳассос шоири Ҳамид Олимжон қаламида унинг гоят гузал таърифини топган. Табиийки, шу тобда шоирининг оҳорли ташбеҳлардан оро топган сатрлари, дафъатан, еднингизга тушгандир?! «Қорли тоғлар турар бошида, гул водилар яшнар қошида...». Ҳа, балли! Янаям давом этаверсангиз — гузалликнинг бетакор тугйуси Сизни сим-сим оғушига олади, беҳиштур Сайхун, Жайхун, Зарафшон буйлариға еталаб кетади. Бу ерларда турт фасл ҳам гузал манзар: «Йилки дарё ювар қоқилин...». Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Лавҳамизнинг аввал-бошида «Ўринбойобод»га ишора қилган эдик. Ўқин-қингача унинг урни лалмикор ерлардан иборат эди. Зарафшоннинг қуш қоқилидан бири — Оқдаре узани бу даштиққа ҳам бир шиддат — узининг асов оқимидан гузаллик олиб келди. Шу узанининг «Лойиш-Қиёт» ҳудудидан Жангаат канал-арини тортилиб, даштиқлардан иборат кенгликларга ҳам шарқараб оби-ҳаёт оқа бошлади. Халқимизнинг ҳақиқатга, турғи-

бой, — дейди бир пилла чой устидаги гурунгда у. — Яратганга беадад шукр, онамизнинг ниятига фаршталар «Омин!» деган экан, ҳаммаси ижобат топапти...

Айтиш мумкинки, ҳар бир инсоннинг ҳаёти йилнинг худди тўрт фаслига ўхшайди. Шу маънода фикр юритадиган бўлсак, Ўринбой Раҳимовнинг ҳаёт йули — таржаманхоли ҳам ранг-баранг, турфараңгларга бой. Мана, шулардан айирмалари:

1961-64 йиллар — ҳарбий хизмат сафида; 1970-72 — ҳисобчи, бригадир; кейин — техник, чорва механиги ва няхоят, 1974 йилдан бошлаб жомоа хужалигида муҳандис. 1978-85 — яна пахтачилик бригадаси бошлиғи. Илк меҳнат фаолиятини хужалиқнинг



роғи, хикматга юз тулган бир ибораси бор: «Сув — ҳаёт». Шу тариха не-не қишлоқлар бунёдга келди, бир неча хужалиқлар ташкил топди, экинзорлар гуриллаб-яшнади. Ўринбой ака асос солган «Ўринбойобод» ҳам шу сув шарофати билан аста-секин гунчалаб... жамол очди.

Дарвоқе, Ўринбой ака ҳақида... Бу ақойиб инсон хусусида фақат мароқ билан ҳикоя қилиш жоиз. У аввало тантанинсон, беназир деҳқон, техниканингири — механизатор, ташкилотчи ва саноатчи раҳбар, ўз элининг эъзозли оқсоқоли. Олинча, катта музфотнинг тую тантана ва маъракаларида Ўринбой аканинг урни турда, хизмати бекиёс.

Халқимизнинг уф-одатлари, удулмари турфа ва бисёр. Қақалоққа ном қўйишнинг ҳам узига хос ва шарофатли томонлари бор. Демак, Ўринбой акага ҳам бу ном бежиз қўйилмаган.

Ўринбой ака асли эски «Зарафшон» — айнаи вақтда Жўра Махмудов номи хужалиқнинг Қиёт қишлоғидан. Отаси Райим ака (асли Райим, эл оғзидан Райим) вафотидан кейин таваллуд топти унинг ҳам унга Ўринбой исминини қўйишган. Онажониси Кундуз ҳола «Ўринбойи, илов, ота-сининг уринини боссин, урни доим турда — эл ардоғида бўлсин...» дея ният қилгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

— Шу боис номим Ўрин-

лан бир тўйда учрашиб қолди. Биласизми, суҳбатимиз гоят қур олд. Хужалиққа мутасил 14 йил раҳбарлик қилган Яхё ака Бобоев билан ҳам тез-тез учрашиб турарми. Яхё аканинг раҳбарлиғи пайтида галлачилик бригадасига бошлиқ бўлиб, лалмикор ерларда деҳқончилик қилишга турғи келди. Ушунда галла майдонларимиз 315 гектар атрофида эди. Жангаат канал-ариндан баландликка қурувлар тортиб, 50 гектар майдонни сув билан таъминладик. Пахтазорлар, галлазорлар, тоқорлар бунёдга келди. Меваги кўчатилаб утқириб, боғ-роғлар барпо этдик. Теракзорлар шовуллаб бошлади. Дастлаб уй-жой ва томорқа учун 12 гектар ер ажратилди. 34 та хонадон учун ер берилди. Мана, қуриб-сизки — бугунги «Ўринбойобод» фирдавс монанд манзара кашф этди. Шундай қилиб, Қиёт қишлоғимизнинг бугунги кундаги нуфузли оқсоқоли Яхё ака Бобоевнинг «Зарафшон» жомоа хужалигида раислиғи даврида «Ўринбойобод»га асос солинди.

Дарвоқе, шундай айтиш керакки, айнаи ҳақда «Ўринбойобод» деҳқон хужалиғи Шариф Одилов номи жомоа хужалиғи ҳудудидан фаолият қуратапти. Бу жомоа хужалиғи республикамиз мустақиллиги билан қарийб тенгдос. Шу тариха Ўринбой ака Раҳимов етакчилиги қилватган «Ўринбойобод» деҳқон хужалиғи 1994 йилда ташкил топди. 1997 йилдан эса мустақил деҳқон хужалиғи мақомида иш қуратапти.

Утган — Оила йилда «Ўринбойобод» деҳқон хужалиғи аъзолари 7 гектар лалмикор майдонга бугдойнинг «Санзор-8» навини экишган эди. Гектаридан ўн центнердан ошириб сара дон йиғиштириб олишди. 6 гектар майдондаги пахтадан ҳам юқори ҳирмон қутаришди. 22 гектарлик тоқорларда ҳам узум мул бўлди. Ана ҳам-дорда майиз қуриб олишди. «Ўринбойобод» деҳқон хужалиғининг битта «Олтой», «МТЗ-80», «Т-28» тракторлари деҳқонларга қанот бўлапти. Плуг, цизель, баро-

нагача узлариники. Демак, ушбу деҳқон хужалиқнинг иқтисодий қуввати ҳам шунга яраша бўлиши керак-да!

— Албатта, — дейди Ўринбой Раҳимов, — 1997 хужалиқ йилида бир миллион сум даромад қилган бўлсак, бултур бу рақам салмоғи янада ошди.

— Ўринбой ака, сизни ўз шахсий жамғармасидан мактаб қурапти, деб таърифлашди...

«Савобни ҳар қим ва ҳар қуни қилиш керак», деган ҳикмати бир зум бўлса-да, ёддан чиқармаслиғимиз керак. Деҳқон хужалиғимизни ҳисобидан бошлангич синфлар учун 6 хонали мактаб қуришни дилга туғиб қўйган эдик. Эндиликда бу хайри ишни охирига етказаямиз. Болажонларимиз нечоғлиқ қувончсиз, биз шунча хурсанд бўламиз.

Энди оилангиз хусусида мутасар суҳбатлашсак. Ойзилор опа — умр йулдошингиз билан бирга 7 нафар фарзандини, — яъни, 3 уғил ва 4 қизни тарбияласиз. Бир қадрдонингиз, — турғироғи, Оқимжоннинг номи жомоа хужалиғининг раиси Абдураҳмон Ашуров оилангизни энг намунали оила деб таърифлади. Демак, катта бир музфотда эътироф этилиши хонадонингизнинг барча аъзолари учун қувончли, албатта.

Абдураҳмонжон шундай дептимиз, барака топсин! Қадрдонимиз Ашуров билан анча-мунча бирга ишладик. Бир биримизникидан туз топиб, туо маъракаларимизда бирга бўлишиб — жуда алоқча-поқ бўлиб кетганимиз. У хужалиғимизга раислик қилган йилларда Шариф Одилов номи жомоа хужалиғимиз анча таракқиёт сари юз бурди... Энди оилангизга келсак, шу... эл қатори яшаб, меҳнат қилаётимиз. Худого шукр, турт қизимизни ўзатиб, икки углимизни уйлантирдик. Нурқосим — шифкор, Иштихонда — туман марказида ишлайди. Келинимиз — Мухтасамжон 46-мактабда ўқитувчи. Қизларимиз Зебинисо, Шохиста, Шахло ва Шаҳодатхонларнинг боран жойида туз

Замин заҳматкашлари

қуиби, палак отаётганлигини умр йулдошим Ойзилор ҳам, шахсан ўзим ҳам бошимиз осмонда. Қуёвларимиз ҳам мумин-қобил, меҳр-оқибати. Углимиз Нажмиддин билан келинимиз Юлдазхонларнинг ҳам, илов, бахтлари бекам бўлин! Кенжатоғимиз Камолдиннинг ҳам Аллоҳ қамолини берсин. У эндигина 11 ёшга қадам қўйди. Наваралар ҳам бир талай. Мана, ҳовлимизда пилдираб уйнаб юрган навараларимиз Гулиҳа — Нурқосимнинг қизи, Нарғиза эса Зебинисо қизимизнинг дилбанди. Зебинисо ва қуёвини Фахриддинларнинг Нарғизадан ташқари яна уч нафар фарзандлари камол топишапти. Сингилларим — Байна ва Ойрузилар ҳам қишлоғимизга тез-тез келиб туришди. Ҳамма яхши ишларимизга хайрихоҳ...

— Ўринбой ака, шахсий «Жигули» автомашинангиз бор экан, уни қурпоқ қим бошқаришди? Угилларингизми, 8...

— Қўпича ўзим бошқарман. Керак бўлса, угилларим ҳам ишониб бериб қўяман. Нажмиддин ҳам, Камолдин ҳам аслида трактор хайдашди. Демокимани, техникани бошқариш уларга чўт эмас. Қурпоқ ўзим бошқаришимга сабаб — деҳқон хужалиғининг асосий юмушлари менинг зиммамда. Қариндошимиз — Аслиддин Худойкулов «Олтой»нинг, Раҳим Бутаяв деган бир укамиз «МТЗ» тракторини бошқарибди.

— Ҳа, айтганча, янги мактаб қачон фойдаланишга топширилади?

— Биласиз, ҳозир қурилиш борисида муаммолар бор. Ҳамма кам-қустини урнига қўйган, мактабни ахир бир тантана билан очмоқчимиз. Узоқ-яқинлардан меҳмонларни тақлиф этамиз. Хусусан, «Қишлоқ ҳаёти»дан ҳам...

— Насиб этса, албатта келамиз! Сизларнинг қувончларингизга шерик бўлиш биз учун ҳам — бахт! Иншоолло, шу ниятига фааришталар «Омин!» айтган бўлсин!...

Абдулла ТУРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири.

БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ САМАРАСИ

Қорақалпоғистонда энг йирик «Оролсуқурилиш» худудий бирлашмасида бошқарув тизими такомиллаштирилиб, мулк шакли ўзгартирилди. Бирлашмага қарашли 83 та қурилиш, мелiorация, автотранспорт корхоналари базасида 40 та ҳиссдорлик жамияти ташкил этилди. Бунинг натижасида 200 нафардан қурпоқ раҳбар ҳодим бошқа соҳаларда ишлайдиган бўлди. Минг нафарга яқин ма-лакали ишчи, муҳандис-техникларнинг қишлоқларда янги иш уринлари, кичик корхоналар ташкил этишлариға йул очилди. Бушаб қолган баъзи маъмурий бинолар, саноат базалари қишлоқ хужалиғи корхоналариға фойдаланиш учун берилди.

Айни вақтда «Оролсуқурилиш» тизимидиға янгидан тузилган автобаз, темир бетон буюмлари, тош майдалаш ва саралаш ҳамда бошқа ҳиссдорлик жамиятларида мулк шакли ўзгариши самараси ўлароқ ишчиларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлиғи ортди, иш сифати яхшиланди.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎЗА мухбири.

КЎКЛАМГА ПЕШВОЗ

Чортоқ Наманган вилоятининг иқтисодий юксалишиға муносиб ҳисса қўшиб келаватган туманлардан бири ҳисобланади. Бободехқонлар ўтган йили давлатга 8672 тонна пахта, 10.583 тонна дон, 26.400 тонна сабзавот, 7507 тонна мева ва бошқа маҳсулотлар сотиш режаларини ортиғи билан бажардилар. Туманди илгорлар тажрибаси кенг оммалаштирилиб, барча қуч ва имкониятлардан тулиқ фойдаланишга эътибор берилаётганлиғи, деҳқонларга зарур шарт-шароитлар яратилиб, уларға вақтида иш ҳақи бериб борилганлиғи ютуқлар омили бўлди. Йил якуниға қура соҳадан 922 миллион сум даромад олинган. Бу эса меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини янада яхшилашға ижобий таъсир қуратапти.

Эришилган муваффақиятларға «Ўзбекистон мустақиллигини беш йиллиғи», «Айқирон», «Чортоқ», Ҳамид Олимжон номи хужалиқларнинг деҳқонлари муносиб ҳисса қўшаёттилар. Бу жомоаларда йиллик режалар барвақт адо этилиб, ҳосилдорликда ҳам дуруст натижалар қўлга кiritилиди.

Ҳозирғи кунда туманда пахтачилик бўйича 2450 та, галлачиликда 1138 та оилавий пудратчилар фаолият қуратмоқда. Улар шартнома асосида иш қуратганлиқлари туфайли ундан нафақат хужалиқлар, ўзлари ҳам катта манфаатдор бўлишапти.

Айни кунларда туман миришкорлари жорий йил мул ҳосилиға пухта замин яратиш мақсасида қишки дала юмушларини ушшоқлик билан олиб боришапти. Барча техника воситалари сифатли таъмирдан чиқарилиб, мавсумга шай қилиб қўйилган.

Шунингдек, хужалиқларда ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит жамғарши, компост қилиш ишлари қизгин давом этмоқда. Шу кунга қадар дала бошиға 37 минг тоннаг янги маҳаллий ўғит ташиб чиқарилган бўлса, 14 минг тонна компост тайёрланган. Бу ишларни амалға оширишға 70 та ташийдиган, 20 та юклыйдиган машина-механизмлар жалб этилган. Мазкур юмушларни сифатли адо этишда Алишер Навоий номи, «Галабани» 45 йиллиғи, «Ўзбекистон», «Ҳазратишоҳ», Бобур номи хужалиқларнинг деҳқонлари олинди боришапти.

Туманда галлачилик ривожига муносиб ҳисса қўиш учун ўтган йил кузда 4.150 гектар майдонда дон экилганди. Бир текис унлиб чиққан ниҳолларнинг пайхон қилиниши олдини олиш учун махсус гуруҳлар, ўч-туртадан отлик қоровуллар ташкил этилган. Улар ички ишлар ҳодимлари билан биргаликда аҳоли ўртасида кенг тушултириш ишларини олиб боришапти. Туманда деҳқон ва фермер хужалиқларининг фаолияти ҳам йил сайин ривожланиб, улар ҳам иқтисодийти мустаҳкамлаш ишиға муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

— Янги деҳқончилик йиллини қутаринки рўқда бошладик, — дейди ҳокимнинг биринчи уринбосари Муродилла Ҳасанов. — Миришкор деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига ундириб олинган малайсарли асраб-авайласак ризқимиз бутун, дастурхонимиз туқин бўлишиға замин яратилади.

Эркин ТУЛАГАНОВ.

Чорвадорлар учун қиш синов даври ҳисобланади. Унга пухта тайёргарлик қўрган Муборак туманидаги «Хитой» хужалиғида ҳам синов даври яхши ўтмоқда. Мавжуд 450 бош қорамол ўз вақтида, сифатли озиқ-лантирилаётганлиғи боис соғлом ўсмоқда.

СУРАТДА: тажрибали сўт соғувчи Тансулов Хайитова.

3. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Мамлакатимиз қишлоқ хужалиғида амалға оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самараси қўп жихатдан белгиланган режа ва тадбирларнинг изчил ижро этилишиға боғлиқ. Президентимиз, ҳукуматимиз тармоққа алоҳида эътибор бермоқда. Иқтисодий жихатдан заиф қишлоқ хужалиқ корхоналарининг санация қилиниши, етиштирилаётган маҳсулотта олдиндан авано пуллари беришнинг йўлга қўйилганлиғи, замонавий техниканинг олиб келинаётганлиғи, хужалиқлар қарзларининг маълум муддатга кенчиктирилаётганлиғи фикримизнинг далилидир. Бу табиийки, биз деҳқонлар олдига ҳосилдорлиқни ошириш, имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда қурпоқ хом ашё етиштириш вазифасини қўяди.

Утган йил пахтачилик учун бирмунча ноқулай келди. Айниқса, баҳорда ёғингарчиликнинг меъёридан ортққ бўлиши уруғлик қадалган майдонларни бир неча бор бузиб экишға мажбур қилди. Шу билан бирга ёзда, яъни экинларни айнаи парварши қилиш палласи ғуза етарлича ҳароратни ололмади.

Аслида деҳқон учун қулай келган йилнинг ўзи йўқ. Бунинг деҳқончилик тарихи ҳам қурсатиб турибди.

Табиат инжиқликлари, ёз мавсумида ҳавонинг меъёридан паст келиши, қузнинг эрта тушиши билан боғлиқ бўлган қутилмаган юмушларни пахтакор ҳар доим ўз тадбиркорлиғи билан енгитишға интилади. Ана шунда қузнанган мақсадға эришиш имконияти пайдо бўлади.

Бунинг учун тулпанган тажриба, деҳқончилик маданиятининг юқори даражада йўлга қўйилганлиғи, зарур ҳолларда эса бир-бир-бир аprotотипка тадбирини қўллаш қўл келади. Бунинг 40 йиллик иш тажрибаида бир неча бор синовдан ўтказганман. Пахтакорлик қон-қонимға сингиб кетган дедсам бўлмага бўлмайд. Узоқ йиллар тракторини бўлиб ишладим. Кейин узлуксиз ўн беш йил бригадига етакчилик қилдим. Мана, икки йилдирки, ширкатни бошқариб келаяман. Утган вақт мобайнида тажрибали деҳқонлардан, уста пахтакорлардан қўп нарсас ургандик. Улар ҳозир иш фаолиятимизда қўл келаяпти. Шу боис бригада, ширкатга раҳбарлик қилган йилларимда режа ҳар доим бажарилибди.

Утган йилда ҳам давлат топшириғи хужалиқда биринчи, туманда иккинчи бўлиб удаланди. Жомоа аъзоларимиз 288 гектар ерда 800 тоннадан зиёд дурдона етиштиришди. Энг муҳими етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси биринчи-иккинчи сортларға топширилди. Ҳосилдорлик чўл шароитида қарийб 30 центнерға қийнашди.

Бизда ҳар йили машина теримига алоҳида эътибор берилади. Бунда аввало техниканинг сифатли таъмирланганлиғи, механизаторларға ўз вақтида меҳнат ҳақи бериб, уларға етарлича шарт-шароит яратилганлиғи қўл келади. Утган йили ҳам ҳосилнинг 220 тоннаси техника ёрдамида йиғиштириб олинди.

Қўпчилик муваффақиятларға нималар ҳиссобиға эришмяпти, чўл шароитида ҳар йили мул ҳосил олишининг сирлари нимада деб сурашди. Хўш, ютуқларимиз омили нималарда? Ҳар йили ҳосил йиғиштириб олингандан кейин албатта гузалоюлар олиб ташланади. Кейин ер камиди 35 сантиметр чуқурликда шудгор қилинади. Ер

Тажриба бебаҳо хазина

албатта ҳар йили кузда ҳайдалади. Ота-боболаримиз ер ҳайдасан қуз ҳайда, қуз ҳайдамасан қуз ҳайда, деб бекорға айтишмаган. Ахир замин ҳам тирик организмдай гап. У қиш пайтида ҳам олади. Маълум миқдорда бўлса-да, қуш туплайди. Бунда албатта маҳаллий уғитнинг ҳам фойдаси катта. Биз ҳар йили далаға унлаб тонна гўнг чиқарамиз. Бу ишга барча техника воситалари жалб қилинади.

Муваффақиятнинг иккинчи омили деб техникани сифатли таъмир қилишни олиш мумкин. Бизда ушбу юмуш билан жиддий шуғулланилади. Шу билан бирга улардан унумли фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган. Бирор марта техниканинг иш давомида далада қолиб кетганини қурмайсиз.

Муваффақиятнинг кейинги омили деҳқонларнинг тажрибалилиғи ва уларнинг табиат инжиқликларидан қўчмай, зарур бўлса кечаю кундуз меҳнат қилишидир. Бизда бир ишға киришилди, у албатта охириға етказилади. Кейин аъзоларимиз баҳамжиҳат. Бирон-

бир юмушни бажаришға келишиб олinsa, ҳамма бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилади.

Оила пудратининг самарали қўлланилаётганлиғини ҳам ютуқлар омили дейиш мумкин. Пахтачиликда ҳам, галлачиликда ҳам мазкур усулдан фойдаланиб келинапти. Иш юртишининг мазкур усули биз учун ҳам, деҳқонлар учун ҳам нихоятда қўлайдир. Ҳар бир пудрат эгасига экин майдонлари 2-5 гектар қилиб бўлиб берилган. Ҳар бир ер эгаси ўз вазифасини яхши билади. Агар далада иш қўлайлиб кетса, яъни қатқалоқ бўлса, еки гузаларни ўт босса ҳам пудратчилар ҳеч қимдан ёрдам сурашмайди. Бундай пайтларда улар бутун оила аъзолари билан ишға чиқашди. Айни пайтда ширкатда 80 та пудратчи мавжуд.

Кейинги пайтда пахтачиликда баъзи бир муаммолар пайдо бўлаётган эди. Бу мул ҳосил етиштиришға ҳалақит беради. Масалан, навининг тозаланиб ва ҳосилдорлигини олиб қурайлик. Бу масала ҳукумати-мизнинг яқинда чиққан гуза навларини янгилаш ва уларни жойлаштириш турғисиди қарорига қура ижобий ечиланди бўлди. Бу табиийки, олимлар, соҳа билан бевосита шуғулланадиган ташкилотлар олдига вазифа қилиб қўйилди.

Мустақил мамлакатимиз қишлоқ хужалиғида пахтачилик бундан кейин ҳам асосий тармоқ бўлиб қолаверад. Сабаби пахта бизнинг ифтихоримиз. Республикамиз иқтисодиётига катта фойда келтиради. Утган йилнинг декабри ойда Вазирлар Маҳкамасида Президентимиз вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари билан бўлган учрашувда пахтачиликка янада эътибор беришимиз зарурлиғини таъкидладилар. Шу боис биз деҳқонлар тармоқда илгор технологияни жорий этиб, деҳқончилик маданиятини ошириш ҳиссобиға ҳосилдорликни оширишимиз, сифатли хом ашё етиштиришни қўлайтиришимиз лозим.

Бекмурод МУРОДОВ,
Ховос туманидаги «Фарҳод» ширкатлар уюшмасининг ширкат бошлиғи.



ПОҚАЙЛИК КАСРИ

Президентимиз Ислам Каримов халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳар жаҳода қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлагандилар. Виллоят иқтисодиётини ривожлантириш учун қишлоқ хужалиғи тармоқларида қўнчиликка оғишмай рияз қилиш зарур. Виллоят прокуратураси ҳокимлари Президентимиз фармонлари ва республика ҳукумати қарорлари бажарилишини доимо назорат қилиб бораёттилар. Аниқланган қўнбўзарликлар ва камчиликлар бартараф қилинапти.

Утган йили пахта етиштириш бўйича виллоятда режаларинг унда-қузда қўлиб кетди. Хужалиқларнинг иқтисодидан пўтур кетди. Аввало наа танлаш ва уларни жойлаштириш ишига эътиборсизлик билан муносабатда бўлинди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан виллоят қуриш 44 минг гектар майдонга чигит экиш белгиланганди. Шундан 14 минг гектарига С-9070 навидан, 15 минг гектарига «Наманган-77» навидан, 14 минг гектарига эа «АН-Боевут-2» нави, яна минг гектарига эа янги навлардан экиш режалаштирилган эди. Экин пайтида эса бу тартиб бузилди.

Кейинги пайтларда чигит уруғлиғи сарфи борасида белгиланган меъёрдан қўп бузилаптир. Оқибатда хужалиқларнинг сарф-харажатлари ортққ кетапти. Ҳукумат қарорига мувофиқ бир гектар майдонга 80 килограмм чигит экиш белгиланган. Аммо виллоят қишлоқ ва сув хужалиғи бошқармаси томонидан ҳукумат қарорига мувофиқ тарзда ҳақ гектарға 100 килограммдан чигит экиш режалаштирилган. Ҳақиқатда эса виллоят бўйича ҳар гектарига 110 килограммдан уруғлик сарфланганига нима дейсиз? Режалашиларда аниқлашмича, белгиланган меъёрдан 2 минг 30 тонна қўп чигит уруғлиғи сарфланган. Хатирини туманидаги ИБН Сино номи жомоа хужалиғида 140 тонна чигит сарф-

лаш режалаштирилган бўлса-да, ҳақиқатда 218,3 тонна ишлатилган. Натижада хужалиқда 438 минг сум ортққа харажат қилинган. Шунингдек, А. Ерлақабов номи жомоа хужалиғида 272,4 минг сумлик ортққа уруғлик чигит ишлатилган. Ҳар икки хужалиқда минерал ўғитлар сарфи меъёридан ҳам қўп бузилгани оқибатида режалаштирилган ҳосил олинмаган.

Бир қатор хужалиқ раҳбарлари ва масъул мансабдор шахслари томонидан қайд қилинган қарорлар талаблари қўпол қилинган. Бузилаптир. Навобхор туманидаги «Раҳмат ота» фермер хужалиғи бошқармачиси Д. Очиллов «Дустлик» жомоа хужалиғидан 12 гектар ерни шартнома асосида пахта етиштириш мажбурияти билан олиб, шу асосда Навоий пахта тозалаш заводи-дан 124,8 минг сум аванс олади. У ушбу суммани бошқа мақсадларға сарфлаб юборади. Фақат чигит экишдан бошқа бирор-бир агротехник тадбир ўтказилмаган ва мавсум якуниға қура бирор қилорға умум ҳам пахта ҳосили олинмаган.

Навоий тумани «Нарпай» жомоа хужалиғи ҳудудиди-да жойлашган виллоят тажриба расадхонасига ахратиб берилган 20 гектар майдонга чигит экилган. Расадхона раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг лоқайлиғи, ердан хужасизларга фойдаланганлиғи, пахта экилган майдонда тегишли агротехник тадбирлар ўтказмагани, ёввойи ўтлардан тозаланмагани оқибатида пахта ҳосили умуман олинмади. Шу тумандаги «Хазора» жомоа хужалиғидаги Б. Курбонов бошлиқ бригадда 12 гектар Ю. Абдуллаев бошлиқ бригадда 86 гектар, Р. Абдуллаев бошлиқ бригадда эса 90 гектар ер майдонига чигит экилганига қарамай мутлақо ҳосил олинмади. Текширилларда аниқлашмича, масъулиятсиз бригада бошлиқлари сўғоришда, ўғит бе-

ришда, культивация қилишда қўпол хатоликларға йул қўйилган. Эндиликда барча

Навоий пахта тозалаш корхонасига қарашли Кармана пахта пунктида текшириш ўтказилганда оғир мудир Ш. Раҳимов ушбу ишнинг топширилган, ўзганинг мулкни улаштириш мақсасида қўбўлиб олишган пахтадан 11 минг 300 килограмм — 24 минг сумлик 4-сортдаги ортққа пахта «Равшан» фермер хужалиғи раҳбари Э. Равшановни молхонасига яшириб қўйганда қилимиш фой этилди. У қонун олдидида жавоб бермоқда.

Навоий пахта тозалаш корхонасига қарашли «Лингир-жон» пахта тайёрлаш максани кат

Хар қандай мактаб — тарбия ўчоғи. Келажак авлод ана шу муътабар даргоҳ кучоғида тарбия топади, не-не дилбалларимизнинг шуури, онги, билими шу ерда бойиёди. Биз — ким бўлмайлик, ҳаммамиз ҳам шу кутлуг даргоҳ фарзандимиз.

Бешариқ туманидаги «Намуна» ширкатлар уюшмасининг Қораянтоқ қишлоғида 500 дан зиёд ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси айна чоғда болаликнинг ўзига хос шоду хуррамликлари билан фойзиёб. Ўзининг спорт залига, иссиқхона хўжалигига, ошхонасига ва бошқа барча қулайликларига эга янги мактаб биносини тумандаги 90-қўча механизациялашган жамланма қурувчилари тез ва сифатли қуриб беришди.

Ушбу сурат мактаб кўринишини ва бир гуруҳ аъло қизларимизнинг бир умрга муҳрланган қолган шодон кайфиятини, ўзларининг келажига оидин ишончини акс эттирди. Шундай эмасми?!

Турғунбек МАХКАМ олган сурат-лавҳалар.



ЁЛФИЗЛИКНИ ҲАВАС ҚИЛАМАНГ

Яқинда хизмат сафарига кетаётган автобусда унинг кетма-кет жойлашганимиз сабабли икки аёлнинг узаро сўхбатини эшитишга тўғри келиб қолди. Улардан бири гарчи ёш ва қўлиқина бўлсада, юзига чаплаган буюк ҳуснини бузиб турарди.

Турмушга чиқибсан, табриклимаман, — деди дугонаси.

— Менга қолса чикмасдим, аммо, Бехзодим кимни курса «дада» деб оқилаверди. Лекин, буниси ҳам...

— Булар энди. Ёсинг борида этакнинг ийиб ол, — танбех берди дугонаси.

— Нима бўпти, эр зоти қуриб кетган деб ўйлайсанми?

...Кетямизу, аёлнинг гапи қўлигим остида жаранга-лайди. Нахотки, баъзи аёллар эркакларни қўриққўч фахрлаша. Лекин, турмуш унинг ҳам, овуноқ ҳам эмаску! Умуман олганда оила, рузгор тушунасини бундайлар том маънода тушунашармикан? Ойлабди ақралишаркан ана шундайларнинг ҳаётга енгил-елли қараш натижаси эмасмикан?!

Баъзида узлари хоҳлаб турмуш қурган, аммо кўп ўтмай «Фейлимиз тўғри келмади», деб ажрашиб кетган аёлларни қуриб ачинасан киши. Икки уртада болалар сарсон-саргардон бўлиб қолишаркан.

Хизмат ўзасидан бир неча бор суд жараянларида қатнашганман. Кечанига апок-чапоқ бўлиб юрган эр-хотин бир кунда ёвга айланиб, бир-бирини бўлмағур сузлар билан ҳақорат қилиб, шармисор бўлганларини кўп марта кузатганман. Эркаклар орасида рузгорим, оилам деб жон қоймай, ҳаётга енгил-елли қарайдиганлари ҳам

бор. Ундайларнинг аксарияти қисми ҳаётда қийинчилик қурмаган, ота-она маблағига яшаб, уйланганлар тоифасидан. Бўйинга мустақил ҳаётнинг «ола хуржун» тушганида эса...

Лекин, халқимизда эр эри қиладиган ҳам, қора эри қиладиган ҳам хотин, деган нақл бор. Шундай бўлгач, отасининг оила бошлиғи онасининг уй бекалигини қурган оқила, доно қиз албатта рузгорини эплаб кета олади. Рузгор эркини ҳам, аёлини ҳам баббаробар тарбиялайдиган маскан.

Пароканда оилаларни қўвиштирадиган, нотўғри қадам босган эрларни тўғри йўлга соладиган, ноиттифок аёлларини бирлаштирадиган, рузгорга қўт-барак киритиб, эрининг топантини рубога чиқарадиган ҳам аёллар!

Ақсичча, нодон аёл касрига қўлиб чекувчи, ичкучи қўлиб кетганлар қанчадан-қанча! Ҳар бир сузи юракка наштардек ботадиган аёлдан бекор бўлиб, бошқа жўф кирдиган эркаклар йўқми? Ҳар гал эрининг, ота-онасининг ёки қаришдош-уруғининг қилган яхшилигини санаб қурсатиб, миннат қилавериш ҳам эр юзига қўра чиқиб тортиш билан баробардир. Ойлада эр-хотин «икки ёрти — бир бутун» дегани. Бири қалаванинг учини тополмай турган пайтда иккинчисининг жонга оро кириши турмушда бир-бирини қўллашдир.

Инсоннинг умри жуда қисқа. Шундай бўлгач, ортиқча асаб бўзишга, бир-бирини беҳурмат қилишга не ҳожа? Баъзи аёллар жашл аралаш хитоб қилишди: «Эркаклар билан тенг ҳуқуқимиз!» Ҳуш,

тенг ҳуқуқлик нима узи? Эркаклар билан тенг-тенг айтишишим? Ёки, овқатни мен пиширдим, энди қозон товоқни сиз ювинг, меннинг мошмим сизниқидан қўроқ, шунинг учун меннинг айтганим бўлади, деб ўзининг ҳуқуқини ўтказишга ҳаракат қилишми?

Агар бунинг акси бўлсачи? Эр уйда тополмаётган нарсани кўчадан қидиради. Кечагидек эсимда. Болалик пайтида катта олам турмушга узатилди. Шунда бўйим оламни бир четга тортиб: «Мана энди ҳақиқий уйинга бораёсан, қизим. Уша жойда унай-усай десанг, ти-

Турмуш чорраҳаларида

Кексаларнинг, «Аёл киши эркакдан бир поғона пастроқ туриши керак, шундагина рузгор ҳақиқий рузгор бўлади» деган гапи бор. Эрдаман паст туриш бу — ҳоқоратлик дегани эмас. Бу — ододдир! Эр-калар очик, аёллар эса зимдан уй-рузгор ишларига бошчилик қилиб борадилар. Фарзандларга ҳар ишда отанинг руҳсати бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ота сивасат қилиб турмаса, бола тарбияси бўзилмиш табиий.

Уй тутишни билмайдиган аёл буш вақти қўл бўлса ҳам, уйга қарамайди. Хонадонни доимо ивирсиб туради. Эрнинг танбехи, дашномили қор қилмайди. Шу сабабли баъзи эркаклар уйи ҳис дўстини бошлаб келишга ҳам тортиндилар.

Уз жўртини ишдан келишига байрамга тайёрларлик қургандек ҳозирлашиб аёл кишининг бағоят оқила эканлигини далолатдир. Қадрдон кишини очик чехра билан кўтиб олса, эр чарчаб турган ва кайфияти ноҳуш бўлса ҳам аёл латофати, табассуми, биргина «хорманг, дадаси» деган сузи уни сеҳрлайди қуяди. Чарчоқни унутди. Аёлига меҳри ошди.

лингга эрк берма. Борган эркакдан бир поғона пастроқ туриши керак, шундагина рузгор ҳақиқий рузгор бўлади» деган гапи бор. Эрдаман паст туриш бу — ҳоқоратлик дегани эмас. Бу — ододдир! Эр-калар очик, аёллар эса зимдан уй-рузгор ишларига бошчилик қилиб борадилар. Фарзандларга ҳар ишда отанинг руҳсати бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ота сивасат қилиб турмаса, бола тарбияси бўзилмиш табиий.

Ҳа, бу сузларнинг маъносини ҳаёт бусағасида турган ёш сингилларимиз чақиб қурсалар ёмон бўлмас эди. Рузгор икки кишининг қўли, ақли билан туқиладиган умр занжиридир. Афсуски, баъзан уша «занжир» мустаҳкам туқилаётганлиги сабабли ёш оилалар пароканда бўлиб кетаяпти.

Эркаксиз уй зулмат, даҳшат эканлигини ёлғизлики бошидан кечираётган аёллар биллашади. Шу уринда фарғоналик Ҳолисон исми аёлнинг (манзиллини аниқ қурсатини лозим топамдими) қўзи билан айтган гапларини айнан келтирмоқчиман.

— Муҳбир экансиз, сиздан яширадиган гапим йўқ. Барча бир кимидан юрагимни очиб керак-ку, ахир, турму-

шим ёмон эмасди. Ҳамма нарсаси етарли, рузгоримиз бут эди. Эрим менга ҳеч қаттиқ гапирмасди. Балки шу сабабдан эркаклар билан бўл-масга хархаша қилаверардим. Энди билсам эркаклик ҳам меъёрида бўлгани тузук экан. Охири улар инжиқликларимдан безор бўлиб... Хуллас ёлғиз қолдим.

Гоҳида дугоналарим: «Қачон шу эрдан қутилар эканман» ёки «сизга мазза-да, ҳужайинингиз йўқ. Билганингизни қиласиз, ҳоҳлаганингизнингизга борасиз» дейишди. Шунда уларга: «Дугонажон, эрсизликини сира уйламан. Фарзандларингизни отасиз устиришни буйинингизга олманг. Ёқиндошларингизни қалбини дарз кетказмай, уни эъзозланг. Шунда у сизни бошига қутариб юради. Бундан ортиқ бахт борми, — дейман. Ҳа, уша ҳеч бир аёл қўз очиб қурганидан айрилмасин экан. Болалар ҳам воғга етгач, уз йўлларини топиб кетишаркан. Бир-бирига азиз бўлиб эрга аёл, аёлга эр қоларкан. Сингилларимга рузгориндан ажрама, ёлғизлики орау қилма, оила бахти, икки жўртнинг бир-бирини тузук ҳурмат қилиб яшашда, дейман...»

Бундай сузларни фақат турмушнинг аччиқ-чучуғини уз бошидан ўтказган одамгина гапирishi мумкин. Лекин, умрининг сунгги нуқтасига ҳама нафас бўлиб яшаган, ҳаёт йўлини мазмунли, намунали босиб ўтганлар ҳам аз эмас. Мен бир пир бўладилар оилани билламан. Нишонбой ота саксондан ошиб, тўқсонни қораллаган бўлсалар-да, ҳали анча тетиклар. Отаҳонинг умр йўлдошлари — Раҳима аянинг эса ёшлари ет-

миш саккизда. Беш нафар келинлари, олти нафар қуввлари бор. Ширин-шаркар неваро, чеварларини айтмайсизми? Маҳаллада тўй бўлса келин-қуввнинг жойини яхши ният билан Раҳима аяга тушатишди. Нишонбой ота эса ёшларга оқ фотиҳа берадилар. Олти-миш икки йилдан бери бир ёстикқа бош қўйиб келаятган бу нуронийлар бирор марта бўлсин бир-бирларини «сен» деб айтмаган. Бу оила фарзандлари одам-моҳун, одобли, меҳр-оқибатли бўлиб воғга етишди. Улар ҳамиша маҳалла эҳлининг эъзозиди, ҳурматида.

Раҳима ая неваро келинларини ҳам уз қизидай тарбиялайди. Билганини ургатади, турмушининг иқир-киқирларидан сабоқ беради. Ҳар қандай шароитда ҳам эр-хотин бир-бирини ҳурмат қилиши, асраб-авайлаб, эъзозлашни доимо ўқтиради.

— Жаҳл келганда ақл кетади, болам. Ҳар қандай ва-зиятда ҳам аёл киши эрига қўлиб қараса, бир зумда жўрдан тушади. Барчаси аёлнинг муомаласига боғлиқ. Аёлнинг аёлиги ва зийна-ти ҳам шунда-да. Бири баланд келганда, иккинчиси паст келиши керак. Шундагина рузгор, рузгор бўлади, болам. Ўғил-қизлар ҳам ота-онадан андоза олишади. Эр-хотин узроқ саримий муомалада бўлишса, одоб доирасидан чиқиб-мас, тилидан беҳурмат сузлар чикмаса, улар тарбиялаётган болалар ҳам рисо-ладагидек, жамиятга, халққа ва қолаверса, ўзига фойда келтирадиган инсон бўлиб етишади.

Ҳа, барчамизга, сабоқ бўладиган бу уғитларда бир олам маъно бор.

Раҳмонали АҚБАРАЛИЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» журналисти.

Бу турфа олам

МОЛЛАРНИНГ ВАТАНИ ҚАЕР?

Эчки Европада тарқалган деб ҳисобланади. Чунки эчкининг энг қадимги замона-илк тош даврига доир суяк-лари Европада топи-ланган эди.

Туркменистоннинг пойтахти Ашгабат яқинида ўтказилган археологик қазималарда учраган топиломалар ўрта Осиёда хонаки эчки эра-миздан бери неча минг йиллар илгари ҳам бўл-ганлигини кўрсатади.

Ҳозирги уй эчкилари уч турдаги ёввойи эчки-дан урчирилган экан. Улардан бири Химойал ва Тибет, Қашмир, Аф-ғонистондаги тоғларда ва Панж дарёсининг юқорисиди ва Шеро-бод атрофларидаги тоғ-ларда яшайди.

Иккинчиси Покистон-да, Туркия ва унинг ат-рофидаги ороллар, тоғ-ларда, Кавказ ва Турк-менистонда яшайдиган беозор эчки. Учинчиси эса бир замоналар Кар-пат тоғларида яшаган, ҳозир йўқолиб кетган галгеткий эчкисидир.

Қўй қўлга ўргатилган дастлабки хайвонлар-дан экан. Археологлар олиб борган тадқиқот-лардан маълум бўлиш-ча, ўрта Осиё халқлари қадим замоналардан бе-ри қўйларни урчириш би-

лан шўғулланганлар. Дастлаб Олд Осиёда, бизнинг эра-миздан ча-маси 9000 йил илгари Осиё муфлонни деган ёввойи қўй қўлга ўрг-атилган бўлса керак, деб тахмин қилинмоқ-да.

Осиё муфлонни ҳозир ҳам бор. У ўрта Осиё-нинг жанубий ва ғарбий тоғларида, Эрон, Афғо-нистонда ва Қашмир тоғларида яшайди.

Осиё муфлонидан келиб чиққан хонаки қўйлар янги тош даври-да Ғарбий Европада ҳам тарқалган эди. Ҳо-зир бутун ер юзидида қўйларнинг 150 дан ор-тиқ зотлари бор.

Қорамолнинг ватани жанубий Осиё ва Евро-падир. Жанубий Осиё шунингдек, қадимги Мисрда қорамоллар тош асрининг сўнгги даврларида пайдо бўл-ган. Кейинчалик бошқа ерларга тарқалган. Тах-минан эра-миздан 8—10 минг йил илгари улар қўлга ўргатилган.

Ҳозирги ватани Евро-па ва Африкадир. Ри-воятлардан бирида айтилишича, ғозлар Римни бир замон душ-манлардан муҳофаза этган. Душман қўш-нлари пинҳонли тарзда шаҳарга бостириб ке-лаётганларида ғозлар буни сезиб ғоят безов-таланган ва «га-га»лаб соқчиларни уйғотишган.

САККИЗ ОЙ ШҲР, ТҲРТ ОЙ ЧУЧУК

Хиндистонда сатҳи 160 квадрат километр келадиган Самбар де-ган бир қўл бор. Бу қўл ажойиб ҳусусиятга эга. Суви йилнинг саккиз ойи мобайнида шўр, қолган тўрт ойида эса чўчук бўлади.

Хўш, бунинг сирини мада? Маълумки, Хин-дистон энг иссиқ мам-лакатлардан биридир. Бу ерда саккиз ой қў-роқчилик бўлиб, шу ма-всумда қўлдан 200 минг тоннага яқин ош тузи чиқариб олинади. Бун-ча туз билан Марказий Хиндистон аҳолисини беамалол таъминлаш мумкин.

Июнь ойидан эса ёгингарчилик бошла-ниб, то сентябрга қа-дар давом этади. Шу тўрт ой давомида қўл суви чўчук бўлади.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Тошкент вилояти Заңгиота туманидаги «Қудрат» хусусий кор-хонасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Интер-Агро» савдо корхонаси тугатилади. Давволар эълон бо-силган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН КОМПЬЮТЕРЛАР

Навоий вилоятида «Таълим тўғрисидаги қонунни, қадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш, ўқув жараёнини бугунги кун талаблари даражасида олиб бо-риш борасида талайги-на ишлар амалга оши-рилмоқда. Чунотки, республика Халқ таъли-ми вазирлиги, «Аме-роз-индустри» Ўзбе-кистон-Америка қўшма корхонасининг ёрдами билан навоийлик ўқув-чилар замонавий компьютерларга эга бўлди. Навоий шаҳри-даги 1-гимназия, Нуро-та ва Хатирчи туманла-ридаги иккита таъин мактаби, Зарафшон шаҳри, Томди, Қонимех туманларидаги умум-таълим мактаблари ко-мпьютер билан жиҳоз-ланди.

«ШИФОКОРАСИ» ШИФОХОНАСИ

Мамлакатимиз со-ғлиқни сақлаш тизими-да амалга оширилаёт-ган ислохотлар Си-дарё вилоятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Яқинда Ширин шаҳри-да «Шифокор» тиббий кичик корхонаси иш бошлади. Асосан сто-матологик хизмат қў-ратишга ихтисослашган бу шифохонада юқори малакали мутахассис-лар тиш қўйиш, про-тезлаш ва даволаш иш-ларини замонавий ас-боб-ускуналар ёрдами-да бажарадилар.

(ЎЗА).

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Суннатилла САЙДАЛИЕВ

Тахрир хайъати: Ислам БОБОЖОНОВ, Расулмат ХУСАНОВ, Махмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКИРИЕВ, Бахром НОСИРОВ, Олим АТАЕВ, Темур ХОШИМОВ, Мансур СУЛТОНОВ, Жамшид САЙФУТДИНОВ, Пулат ҚАЗИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Шермат АЛЛАМОН.

МУАССИСЛАР — Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирли-ги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшма-си, «Ўзмевазсавзавотузумсаноат» ҳолдинг компанияси, Агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшма-си Марказий Қўмитаси.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжалиқтаъминотузаъти» давлат-шарқат қўмитаси «Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КҲЧАСИ, 32 ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосари — 1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Дехқончилик бўлими — 1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 1-36-56-30, Иқтисодиёт, тад-биркорлик ва қорвачилик бўлими 1-36-54-51. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

«Шарқ» нашриёт-матбоса концерни басмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 44-йў.